

2  
ЖОРИЙ ЙИЛ 9 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



# ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 12-СЕНТАБР, №37 (1182)

**ЎЗ УЙИДА  
ЯШАБ ТУРИБ,  
ҚАЙНУКАСИГА  
ИЖАРА ХАҚИ  
ТЎЛАШГА  
МАЖБУР БЎЛДИ.**

3

**ИНСОННИНГ  
БИР ХИСЛАТИ  
БОР, У ФАҚАТ  
ЭГАСИГА  
ЯХШИЛИК  
КЕЛТИРАДИ.**

6

**МАЪНАВИЙ  
ҚАШШОҚЛИК  
ЎРНИНИ  
ТЎЛДИРИШ  
УЧУН КЕРАК  
БЎЛАДИГАН  
БОЙЛИК.**

7

**ВОЛГА  
ДАРЁСИДАН  
ТОПИЛГАН  
МУРДА  
ЎЗБЕКИСТОН  
ФУҚАРОСИ ЭДИ.**

9

## БОШ ПРОКУРОР ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



2019 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев томонидан видеоконференцага орқали фуқароларнинг қабули ўтказилди.

Қабул давомида Бош прокурор томонидан 29 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиниб, уларнинг муурожаати тингланди.

Муурожаатларнинг 15 таси суд масалалари, 6 таси прокуратура иш юритувига, 2 таси ички ишлар ҳамда 6 таси талбиркорлик фаолиятига оид бўлиб, Бош прокурор томонидан назоратга олинган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

## 150 ДОЛЛАРЛИК «ОПЕРАЦИЯ»

Шифокор ҳузурига шифо излаб келган бемор у ердан тушқун кайфиятда чиқди.

8-бет



ЙПХ ходимиға мушт туширган зўравоннинг озодлиги чекланди.

4-бет




Чет элга ишга кетаётган меҳнат мигрантларига давлат томонидан хорижда ишга жойланиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун микроқарзлар қачондан берилди?

5-бет



2-бет



Истанбулдан Тошкентга учиб келган аёл бировнинг сумкасини устумонлик билан аэропорт ҳудудидан олиб чиқиб кетди.

11-бет



## СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

Бош прокуратура ташаббуси билан Ўзбекистон кураш федерацияси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2019 йилнинг 6 сентябрь кuni Олмазор туманидаги “Сағбон” спорт мажмуасида “Соғлом танда — соғ ақл” шиори остида болалар учун миллий кураш бўйича тадбир ташкил этилди.

У Ўзбекистон Президенти илгари сурган бешта ташаббусни кенг жорий этиш, хусусан болаларни спортга кенгроқ жалб қилиш ҳамда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”га конвенцияси қабул қилинганининг 30 йиллигини нишонлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчи-

лари ҳамда Олмазор туманидаги мактабларнинг ўқувчиларига ёш курашчилар, Осие ва жон чемпионатлари голиблари томонидан кўргазмалари чиқишлар намойиш этилди.

Келгусида болаларни соғлом қилиб тарбиялаш, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб шундай тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

## МЎЙНОҚДА НОҚОНУНИЙ ОВЧИЛАР УШЛАНДИ

2019 йил 5 сентябрь кuni соат 6:30 ларда Қорақалпоғистон экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари Т.Торениязов, Д.Калилбеков ва А.Калимбетовлар Мўйноқ туманидаги “Қазақдаря” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ақпеткей қўллар тизимида ўтказган рейд вақтида давлат рақами бўлмаган “УАЗ” автомашинасида ноқонуний ов қилган беш нафар фуқаро инспекторларнинг қонуний талабига бўйсунмасдан, уларнинг автомашинаси балонига милтиқдан ўқ

зиб, воқеа жойидан яширинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Мўйноқ туман прокуратураси 2019 йил 6 сентябрь кuni ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатган.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ноқонуний ов билан шуғулланган фуқароларнинг шахси аниқланиб, аввал улардан уч нафари ушланган. Кейинчалик қолган иккитаси ҳам аниқланиб, терговга жалб қилинган.

“УАЗ” автомашинасининг давлат рақами ҳам аниқланган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

## ХОВОСДА ҲАВАСГА АРЗИГУЛИК ИШЛАР

Халқимизда “Сув келтирган элда азиз” деган нақл бор. Авваллари каналлар йиллар давомида қазилган бўлса, бугун бу ишни қудратли техникалар ёрдамида қисқа фурсатда бажаришга эришилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелда Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида вилоят фаоллари билан учрашувида аҳоли вакиллари қўшни Тожикистон билан чегарадош Ховос туманидаги “Чамбил”, “Фарход” ва “Бобур” сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудида оқова сув таъминотидаги муаммоларни ҳал қилиб бериш бўйича мурожаат қилишганди. Узоқ йиллар сувсизликдан қийналган фуқаролар учун бу ўша дамларда ушалмайдиган орзудек эди гўё.

Президентимиз аҳоли мурожаатига дарҳол эътибор қаратди. Мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар белгилаб берилиб, топшириқ ижросини назорат қилиш вилоят прокуратурасига юклатилди.

Халқ ишончи орадан бир йилча вақт ўтиб тўла оқланди. Ховос туманининг юқорида қайд этилган ҳудудига обихаёт келди. Сув борган жойда халқнинг ҳаёти фаровонлашди, даромади ошди. Ҳатто иқлим ҳам ўзгарди. “Нуроний” жамғармасининг Ховос туман бўлими раиси Жу-

мабой Сууюнов масала ижобий ҳал қилинганидан сўнг қуйидаги фикрни билдирди: “Ўтган йил баҳор ойларида бошланган канал қурилишида ўндан ортиқ махсус техника ва мингдан ортиқ ишчи қатнашди. Лойиҳа қиймати 23 миллиард сўмга тенг бўлган иншоот барпо этилиши билан секундида 2,2 куб метр сув ўтказиш қувватига эга бўлган насос станцияси ҳам қуриб битказилди. 11 километрик канал қурилишида 5126 куб метр бетон ишлари бажарилди”.

Шу ўринда Ховос тумани ҳокими Раҳимжон Бобоев ҳам мазкур лойиҳанинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, иншоот ишга туширилиши билан туманининг “Чамбил”, “Фарход” ва “Бобур” сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудидаги 4 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланганини таъкидлади.

Шундай қилиб сирдарёликлар ҳаётидаги воқеа — канал қурилиши фаровонлик йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот тармоғи

## ПРОКУРАТУРА ЁРДАМИ БИЛАН

# ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Сўнгги йилларда юртдошларимизнинг прокуратура органларига мурожаатлари анча кўпайди.

Муҳиддин БАХРИДДИНОВ,  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Жойларда ечимини кутаётган муаммолар борлиги, айрим идоралар мансабдорлари ҳали ҳам фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик билан қараётгани бор гап. Ҳолбуки, мутасаддилар зиммасидаги бурчни унутмасе, оддий инсолар муаммосига ечим излаб юрмаган, бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўраб прокуратура органларига мурожаат қилмаган бўлар эди. Шуларни ҳисобга олиб, вилоят прокуратураси томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хусусан, Жиззах вилояти Арнасой тумани “Чўлқувар” ҚФЙда яшовчи Шерали Бастамов ва бошқаларнинг Самарқанддаги «Ипак йўли» туризм халқаро университети биносида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари учун

“Самтехностройинвест” МЧЖдан 317 миллион сўм иш ҳақини ундиришда ёрдам беришни сўраб вилоят прокурори номига йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан 317 миллион сўмлик иш ҳақининг 300 миллион сўми “Самтехностройинвест” МЧЖ таъсисчиси Мизроб Тошовдан ундириб берилиши таъминланди. Аризачилар қолган 17 миллион сўм иш ҳақини бажарилмай қолган ишлар эвазига олишдан воз кечиши ва бунинг учун қурилиш ташкилотига нисбатан бирон-бир эътирозий йўқлигини билдиришди.

Умуман олганда, вилоят прокуратураси томонидан фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ўрганилиб, муаммолари вақтида қонуний ҳал этилаётгани аҳолининг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

## ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Марғилон шаҳрида яшовчи Саидахор Тошматов тахририятимизга йўллаган мактубида Фарғона вилояти прокуратураси ходимлари, шахсан вилоят прокурори Садриддин Турдиевга оиласи номидан миннатдорлик изҳор қилди.

«Синглим Диёрахон Тошматова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқияпти. 2-курсга ўтганида ўқишни давом эттириши муаммо бўлиб қолди. Банкдан таълим кредити ололмай сарсон бўлдик. Шундан сўнг ёрдам сўраб вилоят прокурорига мурожаат қилдик. Прокуратура аралашуви билан синглимга таълим кредити ажратиб берилди. Айни чоғда Диёрахон 4-курс талабаси. Бешта чет тилини ўрганаёпти. Хорижий мамлакатлар тарихи, тараққиёти борасида билим олаёпти. Амалиёт ўташ баробарида бир нечта мамлакатга бориб келди.

Бундан ташқари, ўтган йили кузда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланишга мўлжалланган “Марғилон таъмир” хусусий корхонасини ташкил қилдик. Маълумки, янги корхоналарга буюртмачилар кўп ҳам ишонч билдиравермайди. Шу сабабли қурилиш объектларини олишда қийинчиликларга дуч келдик. Бу борада ҳам вилоят прокуратурасининг ҳуқуқий ва амалий ёрдами билан фаолиятимизни ривожлантириб бормоқдамиз.

Ешларнинг муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани учун прокуратура органлари ходимлари ва шахсан вилоят прокурори Садриддин Турдиевга миннатдорчилик билдираимиз».

Фуқаролик суд ишларини юриштининг мақсади процесс иштирокчиларининг бузилган моддий ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутади ва шу билан фуқароларни қонунлар, ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишига онгли муносабатда бўлишга ундайди.

Суднинг одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолияти масалани тўғри ҳал қилиш учун манфаатдор шахсларга қонунда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни татбиқ этиш билан ғайриқонуний ҳаракат қилган тарафга нисбатан давлатнинг мажбурият кучини қўллашдан иборат.

Қонунда белгиланганидек, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида иш кўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда қатнашади. Бу прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича туманларо судлар ҳамда Тошкент шаҳар судида прокурор иштирокчи таъминлаш орқали суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга эришилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга даъво аризалари киритилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўриляпти.

Бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманларо судларда қўрилатган низоларнинг аксарияти мол-мулк, уй-жой билан боғлиқ. Бу низолар асосан фуқароларнинг ўзи тузаётган битимнинг оқибатини тушуниб етмаслиги натижасида келиб чиқмоқда.

Аксарият ҳолларда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ариза берилган бўлади. Баъзан бу турдаги даъво аризасини айнан олди-сотди шартномасининг тарафи бўлмаган бошқа шахслар тақдим этилганни кузатиш мумкин. Яъни, бу турдаги низоларнинг сабаби ўрганилганда айрим фуқаролар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турмагани тўғрисида пойтахтда яшаётган ва доимий рўйхатда турган таниши, қариндоши ёки бошқа кишилар номига уйини расмийлаштириши, келгусида бу одамлар уй эгасининг ишончини суиистеъмол қилиб, уйни сотиб юбориши оқибатида низо келиб чиқаётгани аниқланган.

Бундай низолар юзасидан олди-сотди шартномасини расмийлаштиришнинг қонунийлиги ўрганилганда, у тўлиқ қонун талаби асосида расмийлаштирилгани аниқланса-да, даъвогар ушбу низоли хонадоннинг ҳақиқий эгаси эканлиги, бу уй учун барча тўловларни ўзи амалга оширганни қайд этади. Лекин даъвогар олди-сотди шартномасининг тарафи бўлмагани сабабли суд унинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризасини кўрмасдан қолдиради ва бундай ҳолларда фуқаролар албатта суднинг қарорига протест келтиришни сўраб, прокуратурага мурожаат қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси амалиётида бундай мурожаатлар кўп учрайди. Масалан, Т.Салимов шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, қайнукаси С.Тиллаев томонидан ўзига тегишли уйдан чиқариб юбориш ҳақида судга даъво аризаси киритилгани ва ушбу даъво қаноатлантирилиб,

у оила аъзолари билан бошқа турар жой бермасдан уйдан кўчириляётгани, у бу уйни 2005 йилда ўз пулига Е.Ивановадан сотиб олгани, қайнукаси ушбу уй учун ҳеч қандай пул тўламаганини қайд этиб, унинг ҳаракатлари юзасидан текширув ўтказиб, натижасига кўра С.Тиллаевга нисбатан чора кўришни сўраган.

Бундай ишлар прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар тоифасига кирди. Яъни, уйдан бошқа турар жой бермасдан мажбурий кўчириш ҳақидаги ишларда албатта прокурор қатнашиши шарт.

Иш ҳолатлари ўрганилганда маълум бўлишича, дастлаб Т.Салимов фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманларо судига жавобгарлар С.Тиллаев ва Тошкент шаҳар нотариал идорасига нисбатан Чилонзор тумани Боғи Эрам кўчасида жойлашган 16-ўй 5-хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида мурожаат қилган. Т.Салимов даъво аризасида 2005 йил 14 сентябрда ўғли Р.Темиров Тошкент шаҳрида ўқишга кир-

Бундай низоларни ҳал этишда суд ва прокурор томонидан моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланигани синчковлик билан текширилиши лозим.

Ушбу фуқаролик иши ўрганилганда, мазкур масала юзасидан қарор қабул қилишда моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилмагани аниқланган.

Энг ачинарлиси, ишни ўрганиш жараёнида мол-мулк тўғрисида қариндош-уруғчилик муносабатлари бузилгани инсоний уйлантиради. Яъни, С.Тиллаев туғишган опасининг турмуш ўртоғи ҳақида хиёнат қилган бўлса, Т.Салимов турмуш ўртоғининг укасига нисбатан жиноий жавобгарликни қўллашни сўраб мурожаат қилган. Бундай ҳолларда албатта терговолди текширувини ўтказиш лозим бўлади.

Лекин С.Тиллаевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмагани сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Иш ҳолатидан кўринмоқдаки, пойтахтдан "прописка"ли қариндоши ёки

тишни сўраган ҳамда бу фактларни тасдиқловчи далилларни тақдим этган.

Мазкур мурожаат юзасидан суд қарорининг қонунийлиги ўрганилганда, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда ФПКнинг 15-моддасида белгиланган талабларга риоя этмаган ҳолда тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўрмагани аниқланди.

Яъни, жавобгар билан **К.Мирзаевнинг никоҳи даврида жавобгар Р.Мирзаевнинг номига Октябрь тумани ижроия кўмитасининг 1991 йил 8 августдаги қарорига кўра низоли хонадон хусусий мулк сифатида расмийлаштирилган.**

"Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ хусусийлаштирилган турар жойда унинг хусусийлашти-

# ҚАРОР – ҚОНУНИЙ, БИРОҚ...



Матлуба АМИНЖОНОВА,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим прокурори

рилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобланади, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Хусусийлаштирилган турар жойларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 3-қарорининг 17-бандида эр-хотинлар ўртасидаги хусусийлаштирилган турар жойларни бошқаларга ўтказиш билан боғлиқ низоли ҳал қилишда судлар оила қонунчилиги мезонларини, яъни Оила кодексининг 23, 24-моддаларини эмас, балки "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси 4-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-қарори билан тасдиқланган хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуқи ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тўғрисидаги низоли қўлламоғи лозимлиги белгиланган.

Лекин суд мазкур иш юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилишда Пленум қарори талабларига зид равишда Оила кодексининг 23-27-моддаларини қўллаган. Яъни, низоли хонадон **Октябрь тумани ижроия кўмитасининг 1991 йил 8 августдаги қарорига кўра жавобгар Р.Мирзаевага хусусий мулк қилиб берилган бўлса-да, суд қонун нормаларини нотўғри қўллаш оқибатида хусусий мулкни эр-хотин ўртасидаги умумий мулк деб топиб, даъвогарнинг талабини қаноатлантирган.**

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улардан бири судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қатнашиш ва суднинг қонунларга зид ҳужжатларига протест келтиришдир. Тошкент шаҳар прокуратураси ушбу ваколатидан фойдаланган ҳолда суднинг қарорига нисбатан протест киритди ва қарорнинг қонунийлиги таъминланди.

Шунингдек, жавобгар Р.Мирзаевага қизи Т.Каримова этказган жароҳатлар юзасидан терговолди текшируви ўтказилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки, фуқароларга мулк билан боғлиқ битимлар қандай тузилиши ва уларнинг оқибатларини кенгроқ тушунириш лозим. Бу қариндошлар орасидаги ришталарнинг мустаҳкамлишига, жамиятда меҳр-оқибат йўқолмаслигига хизмат қилади.

гани, ўзи эса Қашқадарь вилояти Касби туманида яшاشи тўғрисида ўғли учун Тошкент шаҳридан уй сотиб олишга қарор қилгани, лекин бунинг учун Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туриши талаб қилингани, шу боис олди-сотди шартномасини Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган қайнукаси С.Тиллаевнинг номига расмийлаштирилганини қайд этган.

## Мол-мулк тўғрисида почча қайнукасига нисбатан жиноий жавобгарликни қўллашни сўраб мурожаат қилган.

Т.Салимов ушбу хонадонда оила аъзолари билан 2005 йилдан 2016 йилга қадар ҳеч қандай шартномасиз яшаб келади. Лекин 2016 йилда С.Тиллаев ўзининг номидаги уйдан рўйхатсиз ёки шартномасиз ижарачилар тургани учун жавобгарликка тортилишини айтиб, Т.Салимовга ижара шартномаси тузиш лозимлигини билдиради. Албатта, Т.Салимов ҳам бу таклифга рози бўлиб, уларнинг ўртасида уйдан фойдаланиш ҳақида ижара шартномаси тузилган.

2018 йилда эса Т.Салимов билан С.Тиллаев ўртасидаги келишмовчилик оқибатида қайнука поччасига уйни бўшатиш ҳақида талаб қўйган. Т.Салимов уй ўзининг пулига сотиб олингани, бу уйдан С.Тиллаевнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқлиги, уйни бўшатмаслигини айтиб, олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилган. С.Тиллаев ҳам Т.Салимовнинг ижара ҳақини тўламаганида айблаб, уни оила аъзолари билан мажбурий кўчириш ҳамда ижара шартномасида белгиланган барча давр учун жами 5 миллион сўм ундириб бериш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

таниш-билишининг номига мулк олаётган фуқаро битим тузаётганда унинг ортдан юқоридаги каби низолар келиб чиқиши мумкинлигини англаб олишлари, битим тузилаётганда эҳтиёт шарт келгусида мулкни қайтариб бериш бўйича тегишли бандларни киритиш масалаларини ҳам ҳал этиб олса, ўз пулига сотиб олган мулкни қўлдан бой бермайди, ўз уйида ижара тўлаб яшамайди.

Кейинги иш ҳолати эса фуқаролар мол-мулк учун хатто ота-она ва фарзандлик ришталарини ҳам унутиб қўяётганлигидан далолат бермоқда.

Даъвогар Т.Каримова судга жавобгар онаси Р.Мирзаеванинг номидаги хонадонни марҳум отаси билан умумий турмуши даврида топилган мулк деб топиб, отасининг улушига ўзини меросхўр деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Иш ҳолатлари ўрганилганда аниқланишича, даъвогар Т.Каримова жавобгар Р.Мирзаева ва марҳум К.Мирзаевнинг ягона фарзанди. Отаси Т.Каримовага ҳаётлигида бир нечта кўчмас мулкни васият қилиб берган. Низоли хонадон эса Р.Мирзаеванинг номига хусусийлаштирилган.

Биринчи инстанция суди Т.Каримо-

## Она ва қиз мулк талашиб, судлашишгача борди.

ванинг даъвосини қаноатлантириб, Р.Мирзаеванинг номида бўлган низоли хонадонни марҳум К.Мирзаев билан ўрталаридаги умумий мулк деб топиб, марҳум отанинг ушбу хонадондаги улушига қизини меросхўр деб белгиланган.

Жавобгар Р.Мирзаева суднинг бу қароридан норози бўлиб уни бекор қилишни ҳамда қизи Т.Каримова унга жароҳат этказгани, ҳар куни калтаклаши, унга доимий жисмоний азоб бериб келгани учун уни жавобгарликка тор-



# ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Аёлларни эъзозлаш, уларнинг соғ-саломат, бахтли яшаши учун қайғуриш эртасини ўйлаган миллатнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Кўзимизнинг оқу-кораси бўлган ўғил-қизларимизнинг қандай инсон бўлиб улгайиши ҳам асосан оналарининг тарбиясига боғлиқ.

Пешку туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аёлларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан туманда оғир ижтимоий вазиятга тушган 117 нафар аёл рўйхати тузилиб, ўтган

Шухрат ҲИКМАТОВ,  
Пешку туман прокурори

Туман қишлоқларидаги оилавий поликлиникалар ва врачлик пунктларида ўтказилган тиббий кўриклар натижасида 1487 нафар касал хотин-қизлар аниқланиб, барчаси амбулатор, стационар соғломлаштиришга йўналтирилди. Уларнинг 326 нафарида репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллик аниқланиб, 320 нафари даволанди. 1765 нафар ҳомиладор аёлнинг 666 нафарида турли касалликлар аниқланиб, 603 нафари соғломлаштирилди. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан оғир шaroитда яшаётган ногирон хотин-қизлар аравача, кўлтиктаёқ ва ҳасса билан таъминланиб, 53 нафари санаторийга юборилди.

"Оила" маркази, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 120 нафар хотин-қиз касбга ўқитиб, "Пешку чеварлари" МЧЖга ишга жойлаштирилди. 232 нафари жамоат ишларига жалб этилди, 1264 нафарининг эса мавсумий касаначи

**447 нафар аёлга "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида 9,6 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди.**

даврдан уларнинг 60 нафари оғир вазиятдан олиб чиқилди.

Мамлакатимизда нишонланадиган барча байрамларда туман хотин-қизлари учун дастурхон ёзилади. Мазкур тадбирларда 530 та муҳтож оилага 317,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 12 боланинг суннат тўйи ўтказилди. Шароитини яхшилашга муҳтож 8 нафар онага арзон уй ажратилиб, 36 нафари уйини таъмирлаш учун қурилиш моллари берилди.

Нотинч оилаларни аниқлаб, уларга ёрдам қўлини чўзиш, аёллар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, ажрим ёқасига келиб қолган 36 та оила яраштирилди.

сифатида бандлиги таъминланди. 447 нафар аёлга "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури асосида 9,6 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натияжда 456 та янги иш ўрни яратилди.

Хотин-қизларимизга яратилаётган шaroитлар замирида аввало оила мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятга нафи тегадиган ибратли оилалар сонини кўпайтириш мақсади муҳассам. Бу йўналишда устувор вазифалар белгиланган. Гап уларни бекаму-кўст бажаришда. Ҳамкор ташкилотлар, жамоатчилик ҳамжиҳатликда ҳаракат қилса, албатта ҳар бир оилада хотиржамлик ҳукмрон бўлади. Оила тинч бўлса, жамият ҳам ривожланади.



Жорий йил 9 сентябрь кўни давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.



## МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН КВАРТИРАЛАР

Рўзғор, бола-чақа ташвиши катта меҳнат ва ўзига яраша машаққатни талаб қилади. Баъзи юртдошларимиз тирикчилик ғамида ўзга юртларга бориб ишлаб келаяпти. Албатта, бу жараёнда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда илтимос ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилмоқда. Шу мақсадда 2019 йилнинг 20 август кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

**Меҳнат мигрантларига кўп  
квартирали уйлاردан 3500 га яқин  
хонадон ажратилади.**

Эътиборга молик жиҳати шуки, мазкур ҳужжатда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларининг ижроси доирасида кўп квартирали уйлاردан 3462 та хонадон ажратилиши белгиланган бўлиди. Албатта, бу мигрантлар учун янгилик бўлди. Нега деганда, ўз оиласидан, яқинларидан йироққа бориб ишлаётган фуқароларимиз топганига асосан уй ёки тўй қилади.

Ишлаш учун четга кетаётган фуқароларимизга табиийки йўл харажати ва то ўзга юртда ишга жойлашиб, қўли пул кўргунга қадар маълум миқдорда маблағ зарур бўлади. Одатда кўпчилик қариндош-уруғ ёки таниш-билишлардан қарз олиб кетади.

Эндиликда бунга хожат қолмайди. Меҳнат мигрантларига 1 октябрдан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун микроқарзлар берилади. Микроқарз бир кун ичида тез расмийлаштирилган ҳолда энг кам талаб қилинадиган ҳужжатлар (паспорт, арıza ва меҳнат органининг илтимосномаси) асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 миллион сўм миқдорда бир йил муддатга берилди.

Аммо бу ҳамма мигрантлар ҳам микроқарз олаверади дегани эмас. 2019 йилнинг 1 октябрга қадар жорий этилиши кўзда тутилган "Ягона миллий меҳнат тизими" ахборот тизими доирасидаги "labormigration" дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган фуқаролар бундай қўлайлиқдан фойдаланиши мумкин.

**Кредитларни "Азия инвест банк" АЖ ва Россиядаги бошқа ҳамкор банклар орқали Россия рублида тўлаш мумкин.**

Кези келганда мазкур дастурий мажмуа ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. "labormigration" хорижда ишламоқчи бўлган фуқароларга иш берувчи мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот шaroитлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномаси тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий

Фаррух ЭСАНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
прокурори

ёрдам чоралари тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда тақдим қилиш, чет элда оғир вазиятга тушиб қолган меҳнат мигрантларига ёрдам бериш, ишга жойлашиш географияси, уларнинг фаолият йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш мақсадини кўзда тулади.

Бундан ташқари, мигрантлар Ўзбекистонда олган кредитларини "Азия инвест банк" АЖ ва Россиядаги бошқа ҳамкор банклар орқали Россия рублида тўлашлари мумкин. Ҳисобкитобларни электрон тўлов тизимлари орқали ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.

Яна бир янгилик шуки, ҳукумат тузилмасида Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди. Унинг мудири бош вазир маслаҳатчиси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши ра-

иси ва ҳокимларнинг хорижий давлатларнинг маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари билан ҳамкорлик муносабатлари соҳасига меҳнат мигрантларининг яшаши ва ишлаши учун рўхсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши, тиббий хизматлардан фойдаланиши ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш масалалари ҳам қарилтирди.



MULOHAZA

# УШМУОМАЛАЛИК — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Тасаввур қилинг,  
эрталаб яхши кайфиятда  
ишга отландингиз.

Хонага киргач,  
ҳамкасблар билан  
салом-алик қилиб,  
ўзгача иштиёқ билан

ишингизни келган  
жойидан давом эттира  
бошладингиз. Шу пайт  
телефон жиринглаб,  
фикрингизни бўлади.

Гўшақни кўтариб, "Алло"  
дейишингиз билан у  
томондан салом йўқ,  
алик йўқ, "Фалончи?"

деган дағал овоз  
эшитилади. Сиз  
"фалончи" хонада  
йўқлигини айтасизу шу

захоти "Қачон келади?"  
деган савол янграйди.  
Сиз "фалончи" иш билан

чиққанини айтгунингизча  
гўшақни тарақлатиб  
кўйиб кўяди.

К

арабсизки, бояги кай-  
фиятдан асар ҳам қолмайди,  
ишингизда ҳам унум бўлмай-  
ди. Биргина ноҳож сўздан кун  
бўйи дилингиз хуфтон бўлиб  
юради, асабийлашасиз. Бу эса  
соғлигингизга аста-секин сал-  
бий таъсир кўрсатади.

Куни кеча ҳамкасблар би-  
лан айнан телефон орқали му-  
лоқот маданияти ҳақида суҳ-  
батлашиб турганимизда, тў-  
сатдан қўл телефоним жи-  
ринглаб қолди. "Эшитман?"  
дедим-у шу захоти аёл киши-  
нинг "Бу кимнинг телефони?"  
деган овози янгради. "Мени-  
ки!" дейишга ҳали улгурма-  
симдан, кўнгирак қилган аёл  
телефонини ўчириб қўйди...

Афсуски, бундай ҳолатлар  
гоҳида бўлса ҳам учраб тура-  
ди. Ваҳоланки, инсоннинг би-  
лими, дунёқараш, ахлоқ муо-  
маласидан маълум. Муомала  
эса асосан тил орқали бўлади.

Тилнинг аҳамияти ҳақида  
таниқли тилшунос Алибек Рус-

тамов "Сўз хусусида сўз" ри-  
соласида куйидагича фикр  
билдирган: "Бутун мавжудот-  
нинг, хусусан инсоннинг тузи-  
лиши, юриш-туришида қанча-  
дан-қанча етуқлик, жумладан,  
гўзаллик бор. Аммо табиий  
гўзалликдан ташқари яна ин-  
сон вужудга келтирадиган  
сунъий гўзаллик ҳам бор.  
Хунарманду санъаткорлар бу-  
юмларга, иншоотларга гўзал  
тус берадилар. Уста деҳқон-  
лар гўзал боғу роғларни ву-  
жудга келтирадидлар. Куйчилар  
куй, ашулачилар ашула, рас-  
сомлар расм, ҳайкалтарошлар  
ҳайкал яратадилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси  
ва уларнинг гўзаллиги тил во-  
ситасида акс эттирилади. Бу  
тилнинг гўзалликини ифода-  
лашдаги хизматидир. Аммо  
тилнинг ўзи ҳам гўзаллик мод-  
даси сифатида сўз усталари  
томонидан ва умуман халқ та-  
рафидан фойдаланилади. Чун-  
ки тил етуқ ҳодисалардан бў-  
либ, унда гўзаллик учун зарур  
бўлган ҳамма сифатлар мав-  
жуддир".

Таъкидлаш лозимки, муо-  
мала маданияти ҳамма жойда  
керак. Кўча-кўйда, ишда,  
транспортда, уйда ва ҳоказо.  
Бундан ташқари, энг асосий-  
си, инсоннинг қанчалик ақл-  
заковат эгаси эканлиги муо-  
маласи орқали намоеён бўла-  
ди. Ахир кийимингга қараб  
кутиб олишади, муомалангга  
қараб кузатишади деб бекор-  
га айтилмаган-да!

Одатда киши обрў-эъти-  
борни нафақат меҳнати, бал-  
ки муомаласи, юриш-туриши  
билан ҳам топади. Зеро, ин-  
соннинг маънавий даражаси-  
ни кўрсатадиган, иш юритиш-  
да фойдага асос бўладиган,  
соғлигини барқарорлаштира-  
диган асосий омил ҳам унинг  
муомаласидир.

Муқаддас динимизда ҳам  
инсонлар бир-бирига ширин-  
суханлик ва самимийлик би-

лан муомала қилишлари ло-  
зимлиги таъкидланади. Аллоҳ  
таоло пайгамбаримиз Мухам-  
мад(саллоллоху алайҳи васал-  
лам)даги мулоиймлик ва унинг  
чиرويلى оқибатларини инсон-  
ларга намуна қилиш мақсади-  
да куйидаги ояти каримани ту-  
ширган: "Аллоҳнинг раҳмати  
сабабли (Сиз, эй Мухаммад,  
уларга (саҳобаларга) мулоий-  
млик қилдингиз. Агар дағал  
ва тошбағир бўлганингизда,  
албатта (улар) атрофингиздан  
тарқалиб кетган бўлур эдилар.  
Бас уларни афв этинг, (гуноҳ-  
лари учун) кечирим сўранг ва  
улар билан кенгашиб иш  
қилинг! (Бирор ишга) азму  
қарор қилсангиз, Аллоҳга та-  
ваккул қилинг, зеро, Аллоҳ та-  
ваккул қилувчиларни севав"  
(Оли Имрон сураси, 159-оят).

**Аллоҳ таоло Қуръони каримда  
"Одамларга (кибрланиб) юзингизни  
буриштирмагин ва ерда керилиб  
юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли ва  
мақтанчоқ кимсаларни суймас" дея  
марҳамат қилган.**

Абу Ҳурайра (розийаллоху  
анху) пайгамбаримиздан  
(с.а.в.) келтирган ҳадиси билан  
шарфда эса "Табассум билан  
айтилган чиройли сўз — сада-  
қадир" дейилади. Бу билан  
одамларнинг ўзаро муомаласи  
қай даражада иззатлигини таъ-  
кидланмоқда. Гоҳида кичкина-  
гина эътиборсизлик ҳам катта  
нохушликларга сабаб бўлади.  
Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)-  
дан "Инсонга то қилинган энг  
яхши нарса нима?" деб сўраш-  
ганда, "Гўзал хулқ" деб жавоб  
берган эканлар. Бошқа бир  
ҳадисда "Пайгамбар қилиб  
юборилишимнинг боиси гўзал  
ахлоқни такомилга етказиш-  
дан иборатдир" дейдилар  
(Имом Молик ривояти). Шунин-

Фафуржон АЛИМОВ,  
«Нуқуд»

гдек, Аллоҳ таоло Қуръони кар-  
римда "Одамларга (кибрланиб)  
юзингизни буриштирмагин ва  
ерда керилиб юрмагин! Чунки  
Аллоҳ барча кибрли ва мақтан-  
чоқ кимсаларни суймас" дея  
марҳамат қилган (Луқмон сура-  
си, 18-оят).

Шу ўринда яна бир муҳим  
ҳолатни қайд этиш даркор.  
Айтмоқчимизки, ота-онанинг  
вазифаси фақат фарзандни  
дунёга келтиришдангина ибор-  
ат эмас. Ота-она фарзандни  
ақлли, эс-хушли, соғлом,  
диёнатли, эътиқодли, эл-юрт-  
га фойдаси тегадиган инсон  
қилиб тарбиялаш билан бир-  
га, уни ёшлигидан жамоат

ерасида ўзини чиройли тутиш,  
самимий, камтарин бўлиш  
каби одобларга ўргатиши ке-  
рак. Масалан, оқатлашни, са-  
ломлашни, руҳат сўраш,  
сўзлашни, ҳазил-мутуйиба,  
касал кўриш, таъзия билди-  
риш, аксирини ва эснаш, меҳ-  
мондорчилик ва шу каби иж-  
тимоий одобларни билиш ва  
уларга риоя этиш лозим. Са-  
мимий муомалада бўлиш ин-  
сонга фақатгина яхшилик кел-  
тирар экан, фарзандини ўйла-  
ган ота-она бу жиҳатда унга  
ибрат бўлиши шарт.

Бундан ташқари, биз, кат-  
талар ҳам, ушбу жараёнда бир-  
четда қўл қовштириб туриши-  
миз керак эмас. Ёшларга  
ўрناк бўлиш баробарида,

жуда бўлмаганда уларни рағ-  
батлантиришининг урдасидан  
чиқишимиз лозим. Масалан,  
кўчада ёш-яланглар сизга са-  
лом берди дейлик. Шундай  
пайтда алиқ олиш билан че-  
кланмай, "Баракалла! Бахтли  
бўлгин!" деб кўйсак, асакамиз  
кетмайди. Ёки метро ё авто-  
бусда мактаб ўқувчиси жой  
берса, унга миннатдорчилик  
билдириш билан бирга,  
"Отанга раҳмат деб кўйгин!"  
десақ, у ер-бу еримиз кама-  
ийб қолмас. Болакай эса кеч-  
қурун отаси ишдан келганда  
"Бугун автобусда бир амаки  
сизга раҳмат айтиб юборди"  
дея бу гапни албатта унга ет-  
казади. Табиийки, отаси ўша  
амакининг кимлиги билан  
қиёқади. Фарзанди жой бер-  
гани учун раҳмат эшитганини  
билганидан кейин эса кўнгли  
тоғдай кўтарилмади, боласига  
катталарни хурмат қилиш ло-  
зимлигини уқтиради. Ваҳолан-  
ки, ўша болакай сизга жой  
бўшатишга мажбур эмас,  
унинг ҳам худди сиз каби ўти-  
риб кетишга ҳаққи бор. Кат-  
таларга жой бериш эса мен-  
талитетимизга хос одоб наму-  
наси ҳисобланади.

"Кобуснома" асарига Кай-  
ковус ўғлига шундай насиҳат  
қилади: "Халқ олдида гапир-  
диган сўзинг гўзал бўлсин, бу  
сўзини халқ қабул қилсин. Ха-  
лоийқ сенинг сўзинг билан ба-  
ланд даражага эришганинги  
билсин, чунки ақлли кишини  
сўзидан биладидлар. Эй фар-  
занд, сўзлаганингда ҳар бир  
сўзини ўйлаб, маъноли гапир,  
шунда айтган сўзингдан пу-  
шаймон бўлмагайсан. Ҳар бир  
сўзга қулоқ сол, шошилма.  
Ўйламасдан сўзлама. Ҳар кан-  
дай сўзни эшитишдан сиқил-  
ма. Совуқ сўз сўзлама..."

Юқоридагилардан келиб  
чиқиб айтмоқчимизки, инсон  
фақат ўзининг манфаати учун  
яшаб, манманликка ўз тутган-  
ни сари муомала маданияти-  
дан, одоб-ахлоқидан йироқ-  
лашиб боради. Инсонга лаво-  
зимини, тутган мавқеи, бойли-  
гига қараб эмас, балки чирой-  
ли муомаласи тўғриси баҳо  
берилади.

Психологларнинг фикрича,  
эркаклар учун нимани, аёллар  
учун қандай айтиш муҳим  
экан. Шунингдек, суҳбат чоғи-  
да овоз қанча паст бўлса, оли-  
надиған наржиба сўзча юқори  
бўларкан. Шу сабабли овозни  
назорат қилиш, бу билан му-  
лоқотни осонлаштириш керак.

Бундан ташқари, психолог-  
лар ким билан мулоқот қилиш  
қийинлигини ҳам қайд этиш-  
ган. Маълум бўлишича, ман-  
ман ҳамда андишасиз одам-  
лар билан мулоқотга киришни  
қийинчилик туғдиради. Ман-  
ман одам ўзи ҳақида жуда  
юқори, бошқалар ҳақида эса  
жуда паст фикрда бўлиб, ат-  
рофдагиларга улар лойиқ  
бўлмаган муносабатда бўлаёт-  
ганини билдириб турар экан.

Андишасизлар эса одам-  
нинг заиф жойини билиб олиб,  
унга қайта-қайта тегаверишар,  
омадсизларга рақибнинг му-  
ваффақияти, касалларга таққ-  
ланган нарса ёки бу хасталик-  
нинг ёмон оқибати ҳақида га-  
пиришар экан. Улар бирор ин-  
сон эсдан чиқаришни истаган  
ҳолатни ҳаммадан олдин баҳо  
олиб, кўнглини ордун тутиш  
сўзларни топиб айтиш қобили-  
ятига эга бўлишаркан.

Хулоса шунки, "Яхши гап би-  
лан илон инидан, ёмон гап би-  
лан қилич қинидан чиқади"  
деган гап бор. Яхши гап би-  
лан не-не тош кўнгиларни  
эритиш мумкин. Демак, одам-  
ларнинг меҳрини қозониш  
хам, нафратига дучор бўлиш  
хам инсоннинг ўзига боғлиқ.

# НАСИХАТ ЭМАС, АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Бизнинг фикримизча, энг аввало, насихатларни камайтириш керак! Чунки бугун ахборотлар уммонида яшаётган ёшларга “яхши бўлсанг — яхши бўлади, ёмон бўлсанг — ёмон” қабилидаги панду ўғитларнинг таъсири ҳам, қизиғи ҳам кам бўлиб қолди. Бу ҳолатлар қайта-га уларнинг жигига тегиб, тескарисини қилишга ундайди.

Мирзохид ТУРСУНОВ,  
Миришкор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Бундан ташқари, ҳаммани бирдай “ақли китоб”ларни ўқишга мажбурлаб бўлмайди, бунинг кераги ҳам йўқ.


Инсон бадиий асарни ақли бўлиш учун ўқимади, балки кўнгли хотиржамлиги, руҳий ҳаловат учун мутулаа қилади. Ёшларни мутулаага қайтарамиз деб кўп уринаяпмиз. Кўпчилгимиз улар электрон китоблар ўқишти деб ҳисоблаймиз ҳам.

Аслида бу билан улар бизни алдашмоқда, биз эса ўзимизни... Тўғри, интернетдан илмий асарлар олиш, кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бундан олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи, илм эгалламоқчи бўлган ёшлар оқилона фойдаланишмоқда. Лекин бадиий адабиётни камдан-кам кишиларгина электрон шаклда ўқий олиши мумкин. Чунки ҳозиргина компьютерда ўйин ўйнаган, завқ билан рангли соқчаларни ҳар томонга сочиб, “очко” олаётган ўсмирга “Ўткан кунлар”ни ўқиш қанчалик завқ бағишлайди? Асардаги ҳис-туйғу ва ҳаяжон унинг онгига қанчалик етиб боради?! Китоб эса бутунча бир воқеа-ҳодисага бағишланган. Уни қўлга олиб, ўша воқеани тасаввур этасиз, ўша оламда яшасиз.

Бадиий адабиёт маълумот олиш учун эмас, балки эстетик завқ учун ўқилади. У кино, театр, тасвирий санъатдан шуниси билан фарқ қиладики, ундаги воқеа-ҳодисалар бевосита инсон онгига, унинг кўнглида юз беради. Бадиий асарни ўқувчи ўзи хоҳлаганича тасаввур қилади, саҳналаштиради ва унинг ичида яшайди.

Ёшларимиз ишлашни, ҳалол меҳнат ортидан даромад орттиришни, яхши яшашни чин дилдан исташади. Бунинг учун уларга имконият яратиб бериш зарур. Бугун юртимизда амалга оширилган ёшларга оид давлат сиёсати ҳам айнан шунга йўналтирилган — арзон уй-жойлар қуриш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш борасидаги улғувор ўзгаришлар жараёнига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Албатта, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлиги деган тушунча ҳам бор. Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмас, уларнинг сони ҳам камаёди. Лекин фақат қўрқитиш орқали инсонни жиноят қилишдан тўхтатиб бўлмайди. Жиноятнинг олдини олишнинг энг маъқул усули — фуқароларнинг маънавиятини ошириш. Одамлар қачонки, онгли равишда жиноят қилишдан қочса, шундагина жиноятчиликнинг камайишига эришиш мумкин.



JARAYON

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида”ги фармонида биноан ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб туманларда адлия бўлиmlари фаолият юритиб келмоқда.

## ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Ойбек КҮЧҚОРОВ,  
Бағдод тумани адлия бўлими катта маслаҳатчиси

Маъмур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун адлия органлари бир қатор ишларни амалга оширяпти. Жумладан, бу йил Бағдод туман адлия бўлимига инсон ҳуқуқлари бўйича 213 та муурожаат келиб тушиб, шундан 120 таси юзасидан фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш берилди. 67 та шикоят қўриб чиқилиб, зарур чоралар қўрилди. 14 нафар фуқаронинг манфаатларини кўзлаб Бағдод туман маъмурий судига ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Риштон туман судига даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, муурожаатларни ўрганиш натижаси бўйича жойларга 86 та қонун бузилишини барта-раф қилиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида келиб тушган муурожаатларнинг 60 фоиздан кўпроги меҳнат низоларига оид. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши, тугатилмаётган корхоналарнинг ходимларига бир марталик ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмагани, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши ва иш ҳақини ҳисоблашда ҳодимнинг розилигисиз пул ушлаб қолиниши ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишда ва меҳнат таъини беришда қонунга риоя этилмаётгани ҳақидаги муурожаатлар ўрганилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланмоқда.

Жумладан, фуқаро Н.Мирзаева-

нинг ишга тиклаш ҳақидаги муурожаати қўриб чиқилди.

Аниқланишича, Н.Мирзаева Мирзаобод ҚВПда 0,5 ставка лаборант вазифасида ишлаб келган. 2016 йил 7 ноябрдан бошлаб бола парвариши таътилига чиқарилган.

Таътил вақтида, яъни 2019 йил 13 апрелда тумандаги барча ҚВПларнинг юридик мақоми тугатилиб, тиббиёт бирлашмаси уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган, ходимлар огоҳлантирилиб, меҳнат шартномалари бекор қилинган. Ушбу вазиятда Н.Мирзаеванинг уч ёшга тўлмаган фарзанди борлигини инобатга олган ҳолда Меҳнат кодексининг 224, 234, 237-моддаларида белгиланган талаблар бажарилиши асосида фуқарони иш билан таъминлашни сўраб тақдимнома киритилиб, муурожаат қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, фуқаро 3.Каримжоновна ноқонуний ишдан бўшатилиб, 2017 йилдан 2018 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган. У ишдан ноқонуний бўшатишга суд томонидан тасдиқланган, ишга қайта тикланган, фуқаронинг муурожаоти бўйича унинг мажбурий проғул вақти Меҳнат кодексининг 142-моддасига асосан иш стажига қўшилиб, ушбу давр учун йиллик таътил берилди.

JINOYAT VA JAZO

## ҲОВУЧЛАБ СОВУРИЛГАН ОБРҮ

Обрү мисқоллаб йиғилади, ҳовучлаб совурилади, дейдилар. Сардор Сапаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган)га Ҳазорасп туманидаги банклардан бирида бўлим бошқарувчиси лавозимига етгунга қадар, анча меҳнат ва машаққат чекишига тўғри келган. Унга ишониб, маъсулиятли лавозимни топширишди. Сардор эса бу ишончни поймол қилди.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан томорқалардан самарали фойдаланиш, аҳоли хонадонларида иссиқхоналар барпо этиш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибордан С.Сапаев ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринди. Аҳолига мева ва гул

кўчатлари етказиб берувчи МЧЖ ташкил қилди-ю, корхонанинг ҳужжатлардаги раҳбарлигини бошқа шахснинг зиммасига юкледи. Тумандаги 20 нафар фуқарога иссиқхона қуриб бериш учун МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўзи раҳбарлик қилаётган банкдан 11 нафар фуқаро учун, бошқа банк филиалидан эса 9 нафар фуқаро учун жами 47 мил-

лион 750 минг сўм пул ўтказилишига эришди.

Кейин тумандаги «Томорқа хизмати» МЧЖ раҳбари ҳузурига бориб, 20 нафар фуқарога иссиқхона қуриб беришни сўради. Унга олдиндан 19 миллион 500 минг сўм бериб, қолган маблагни иссиқхоналар битганидан кейин беришни айтди. «Томорқа хизмати» МЧЖ дарҳол ишга киришиб, иссиқхоналарни қуриб-битказди. Аҳоли улардан фойдаланишни бошлади. Бирок, «Томорқа хизмати» МЧЖга тўланиши керак бўлган 28 миллион 250 минг сўм пулни тўлашни пайсалга сола бошлади.

Фақат бу эмас. С.Сапаевдан пластик картчасидаги 22 миллион сўмни нақдлаштиришда ёрдам сўраган фуқаро Р.Раҳимов ҳам чув тушди. Гарчи пуллар нақдлаштирилган бўлса-да, С.Сапаев уни эгасига беришга шошилмади. Ҳар сафар турли баҳоналар билан пулни беришни рад қилиб келди. Тумандаги «Зайниддин-Полвон»

Жасурбек ҚУРБАНОВ,  
Ҳазорасп туман прокурорининг ўринбосари

фермер ҳўжалиги раҳбари Д.Аминов ҳам С.Сапаевнинг ёлғонига учиб, “атанган”, деб қолди. “Ҳисоб рақамингиздаги 6 миллион 800 минг сўмни ечиб олиб, менга бериб турсангиз, эвазига икки тонна шולי ўтказиб бераман”, деган ваъдага лаққа ишонган фермер чек қозоғига қандай имзо чекканини ўзи ҳам билмай қолди. Орадан вақт ўтаверди. Пул ҳам қайтмади, шולי ҳам берилмади.

“Ёлгоннинг умри қисқа”, дейди халқимиз. Фирибгарлик эвазига ўзгалар ишончига кириб, уни суиистеъмол қилган банк бошқарувчисининг ҳолига вой. Унга қилмишлари учун одил суд олдида жавоб беришига тўғри келди. Ўзлаштирилган пуллار қайтарилиб, С.Сапаевнинг эса обрүсидан айрилгани ва тегишли жазога тортилгани қолди.





## FAOLIYATIDAN

**Авалло савол тугилди: илгари талон-торож ва ўзлаштириш, мансаб ваколатини суниестемол қилиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноятлари учун олти марта судланган рецидивист қандай қилиб яна мансаб курсисига ўтирган экан?..**

## 150 ДОЛЛАРЛИК «ОПЕРАЦИЯ»

Касал одам шифокор хузурига дардига шифо излаб боради. Ҳақиқий шифокор оғир дардни енгил кўрсатиб, хастанинг руҳини кўтаради. Қўлидан келганича даволайди. Касбини суниестемол қилиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни ўйламайди. Хузурига келган касалнинг чўнтағидан эмас, дуосидан умидвор бўлади.

Нуркул Сувоқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 42 йилдан буюн туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳ бўлиб ишлайди. Унинг қўлидан кўлаб одамлар шифо тоғани учун пенсияга чиққанидан сўнг ҳам ўз вазифасида иш-

лаб келарди. Аммо ақлининг эмас, нафсининг йўриғига юргани шунча йиллик обрўсига пугур етказди.

Фуқаро Салима Саломованинг тоби қочди. Кунда-кунора қорнида оғриқ туриб, бевозта қиладиган бўлди. Хавотирланиб, шифокор хузурига борди. Унинг шикоятини эшитган Н.Сувоқулов УТГа тушиб келишни тайинлади.

Шифокор тахшиш натижаларини кўздан кечириб, С.Саломовага ўт пуфағида тош борлигини, шу оғриқ бераётганини, агар жарроҳлик амалиёти ўтказилмаса, оғриқ кун сайин кучайиб боришини айтиди. Бемор жарроҳлик амалиёти ўтказилишига рози бўлади. Н.Сувоқулов эса бу амалиётнинг 150 доллар харажати борлигини айтиди. Шифокор хузурига шифо излаб келган бемор у ердан тушкун кайфиятда чиқди. Миясида унинг сўзлари чарх урарди: "Пулни олиб келган кунингиз операция қиламан, отдек бўлиб кетасиз...".

**Абдусалом ХУШБАКОВ,**  
Департаментнинг Қўмқўрган туман бўлими бошлиғи


Шу пайтгача тоғанини дори-дармонга сарфлаб келатган аёл учун бунча пул топилшининг имкони йўқ эди. Бир томондан "бир иложини қиларман, пулни топиб бераман, хар ҳолда соғайиб кетаман-ку!" деган фикрга борса, иккинчи томондан тамагир шифокорнинг устидан тегишли органларга мурожаат қилишни истарди.

С.Саломова ўйланиб, бир қарорга келди ва тамагир шифокорга нисбатан қонуний чора кўришларини сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Аёл келишилган вақтда Н.Сувоқулов билан учрашди. Тезкор тадбирда шифокор 150 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинди.

Ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича Қўмқўрган туман суди томонидан кўриб чиқилиб, Н.Сувоқуловга жазима жазоси тайинланди.

**Кўпчилигимизга Муқимийнинг "Танобчилар" деган сатирик газали яхши маълум. Ҳа, ўша "чироқ ёғи-ю пилик"ка ўхшатишга товламачи ва порахўр танобчилар Ҳўжа ва Ҳакимжон ҳақидаги машҳур асар... Балки куйидаги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам бу газални ёшлигида ўқиган чикар?! Аммо ўқиган бошқа, уққан бошқа экан-да...**



## ТАНОБИ ТОРТИЛГАН ТАНОБЧИ

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Департаментнинг Миришкор туман бўлими инспектори

Раҳимжон Хонов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам эскичасига айтганда танобчи эди, яъни Миришкор тумани ер ресурслари ва давлат кадрасти бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишларди. Унга ишлаётган идораси раҳбарияти томонидан Махтумқули массивидаги галлачилик ва пахтачилик билан шугулланган фермерларнинг ерларини ўлчаб бериш, агар ноқонуний экин экиш ҳолатлари аниқланса, тегишли тартибда муносабат билдириш ваколати берилган эди.

У эрта баҳордан худуддаги фермер хўжалиги ерларида ўлчов ўтказиб, бир қатор камчиликларни аниқлади. Хусусан, паррандачиликка ихтисослашган "Тўраев Билалхон"

фермер хўжалигининг ери ўлчаб кўрилганида айрим ноқонуний ишлар ошкор бўлиб қолди. "Танобчи" бу хусусда айтганида фермер Муқаддас Бегимованинг онаси, иш юритувчи Тоғинисо Аҳмедова ундан ёрдан қилишини сўради. Раҳимжон "ёрдам" нархи 2 миллион сўм бўлишини билдирди. Иш юритувчи унга 500 минг сўм берди. Аммо Раҳимжон қолган 1 миллион 500 минг сўмни ҳам талаб қилиб туриб олди. "Танобчи"миз Тоғинисо Аҳмедовадан ўзи сўраган пулни олаётган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди.

"Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир" деб бежиз айтишмаган экан. Йўқса,

эндигина ўттиз ёшни қарши-лаётган Раҳимжон Хонов олий маълумотли мутахассис, оилали, бир фарзанднинг отаси эди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилот кенгаши ва Миришкор туманидаги "Ободон" МФЙнинг қафолат хатлари унинг жонига ора кирди.

Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг ҳужмига кўра Раҳимжон Хоновга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шу тариқа товламачи "танобчи"нинг таноби тортиб кўйилди...

**Бугунги кунда юртимиздаги барча банкларда фуқароларга хорижий валюталар чекланмаган миқдорда сотилмоқда ва сотиб олинмоқда. Шундай бўлса-да, енгил даромад ортдан қувадиган айрим кимсаларнинг бозор ёки бошқа одам гавжум жойларда қонунга хилоф равишда хорижий валюта олди-сотдиси билан шугулланиб юрганига гувоҳ бўлмоқдамиз.**

## ҚОНУННИ ЧЕТЛАБ ЎТИБ...

**Отабек МАҲМУДОВ,**  
Департаментнинг Шайхонтоҳур туман бўлими суриштирувчиси

Департаментнинг Шайхонтоҳур туман бўлими ходимлари ўтказган тадбир жараёнида фуқаро Машраб Ашуров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Олмазор" метро бекатида фуқаро Аброр Умировга ҳар бир АҚШ долларини "қора бозор" нархида 8500 сўмдан хисоблаб, 6000 АҚШ долларини 51 000 000 сўмга сотган вақтда қўлга олинди.

Ҳеч бир қонунга хилоф иш жазосиз қолмайди, албатта. Суд айбланувчи Машраб Ашуровнинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, икки нафар фарзанди борлигини, оила-

сининг ягона боқувчиси эканини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини ва илгари судланмаганини инобатга олиб, унга нисбатан энг кам жарима жазосидан кам камроқ миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Ундан олинган 6000 АҚШ доллари эса тегишли тартибда давлат фойдасига ўтказилди.

## СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАГАНДИ

Сўнги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик такомиллаштирилмоқда, улар фаолиятидаги тўқсинликлар бартараф этилмоқда. Янги иш бошлаш, фаолиятни кенгайтириш учун зарур шароитлар яратилаяпти. Ҳуқуқидан фойдаланиш баробарида, мажбуриятини ҳам адо этаётган тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодийётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини таъминлаш билан бирга, ноқонуний қилмишларга чек қўйиш ҳамда олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, туманимизда давлат рўйхатидан ўтган "Abdurashid otad Baraka" МЧЖнинг фаолиятидаги жиддий қонун бузилиши ҳолатлари бўйича жиноят иши кўзгатилади.

Аниқланишича, масъулияти чекланган жамиятни қўқонлик Абдусами Мамаризаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ташкил қилган. МЧЖ расман

таниши Раҳимжон Тиллаев номида бўлиб, Данғара туманида рўйхатдан ўтказилган қорхонани аслида унинг ўзи бошқаради. Чет элдан товар келтириб сотиш билан шугулланган А.Мамаризаев юридик ҳужжатларни шахсан ўзи тузади. Банкдаги ҳисоб рақамидан пул ўтказмаларини амалга оширади ҳамда солиқ инспекцияга ҳисоботларни ҳам ўзи топширади. Аммо хориждан келтирилган товарларни нақд пулга сотиб, тушумни банкка топширмасдан, "айлантираверади". Товарни сотишдан тушган пул назора-касса машина-

сига кирим қилинмайди.

А.Мамаризаев аввалига МЧЖнинг расмий раҳбарига маош тўлаган. "Ишлар юриш-маяпти" дея маош бермай қўйгач, Р.Тиллаев тақсичлик қилиб рўзгор тебратган. Шунингдек, МЧЖнинг ҳақиқий эгаси олаётган даромаддан

мутлақо беҳабар бўлган. Р.Тиллаев солиқ инспекциясидан жамият фаолияти текширилиши ҳақидаги хабарни олгач, А.Мамаризаевга учраб, ҳавойи раҳбарликдан воз кечган. 2018 йилнинг 7 сентябрь кун 2-ийгилиш баёнига асосан МЧЖ асл

**Талъатбек ТЎХТАСИНОВ,**  
Департаментнинг Данғара туман бўлими бошлиғи

эгаси номига расмийлаштириб қўйилган.

МЧЖда ўтказилган текширишда А.Мамаризаев туман ДСИга 2018 йилнинг 9 ойи якуни бўйича топширган ҳисоботларда махсуслотни нақд пулга сотишдан тушган, назорат-касса машинасига кирим қилинмаган 5 млрд. 174 млн. сўмлик ялпи тушумни камайтириб кўрсатиб, 112 млн. 130 минг сўм эгона солиқ ва тўловларни давлат бюджетига тўлашдан бўйин товлагани аён бўлди.

Суд мажлисида фуқаровий даввогар яшириб қолинган солиқ ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланганини, судланувчига нисбатан даввоси йўқлигини қайд этди. Суд қарорига кўра ушбу маблағ ДСИнинг ҳисоб рақамига ўтказилиб, А.Мамаризаевга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.



**Ҳуқуқат қарорига кўра, бу йил машинада терилган 1 тонна пахта учун 600 минг сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун биринчи теримда 800 сўм, иккинчи теримда 1200 сўмдан ҳақ тўланади.**







## FAOLIYATIDAN

**МИБ Пахтачи туман бўлими ходимлари алиментларни ўз вақтида ундириш, қонун талабларини тушунтириш ва ҳулоса чиқармаган қарздорларга нибатан чора кўриш борасида тизимли ишларни олиб бормоқда.**

Фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судининг 2017 йил 6 январдаги буйруғига асосан С.Султоновдан Д.Холикуловага уч фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Давлат ижрочилари берган тушунтириш ва огоҳлантиришларга қарамасдан қарздор шу кунга қадар алимент тўлашдан бўйин товлаб келган. Натижада унинг алиментдан қарзи 20 миллион сўмга етган. Ҳозир эса яшаш жойидан кетиб қолган. Унга нисбатан қидирув эълон қилинган эди.

Олиб берилган тезкор қидирув тадбирлари натижада қарздор С.Султонов Нарпай туманидан топилиб, унга нисбатан тўплаган ҳужжатлар Пахтачи туман маъмурий судига юборилди. Суднинг қарорига асосан С.Султонов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиқда айбли деб топилиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Каттакўрғон туманлараро судининг 2010 йил 13 январдаги буйруғига асосан Ш.Норкуловдан Ф.Сувоновага икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. У ҳам суднинг талабини буюзи

# ҚАМОҚ МАЖБУРИЯТДАН ОЗОД ЭТМАЙДИ

қаргадир ишлашга кетган. Натижада алиментдан қарзи 55 миллион 100 минг сўмга етган.

Қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиниб, у Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳридан топилди. Унга нисбатан тўплаган ҳужжатлар туман маъмурий судига юборилиб, суднинг қарорига асосан Ш.Норкулов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиқда айбли деб топилиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, фуқаро берилган жазодан ҳулоса чиқармаган тақдирда Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилди.


Ушбу моддага қўра моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни

**Орзубек ЭРАЛИЕВ,**  
МИБ Пахтачи туман бўлими катта инспектори

уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортик муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, — икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.



## ЗАРАРЛАР УНДИРИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида ижро этиш юртишининг самарадорлигини яхшилаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.**

Бош прокуратура ҳузурда ташкил этилган Маъбурий ижро бюроси ходимлари ҳам тўлов интизомини назорат қилиш, мавҳуд қарзларни давлат ҳамда фуқаролар фойдасига ундиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда қарздорлар суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ бюронинг давлат ижрочилари томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб боришмоқда. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг

2019 йил 7 февралдаги И.Йўлдошев ва бошқаларнинг жиноят иши бўйича олинди, Бош прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамидан сақланаётган 5 млрд. 74 млн. 78 минг 429 сўм пулдан 1 млрд. 921 млн. 550 минг сўмни "Темирийул транспорти бошқармаси" АЖга ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Яшнобод туман бўлими иш юртивуғига келиб тушиб, ижро иши кўзгатилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қайд этилган сумма АЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланган.

Худди шундай Олий суднинг 2019 йил 28 майдаги М.Абдужабборовга оид жиноят иши бўйича олинди, Бош прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамидан сақланаётган 70 минг АҚШ долларидан Б.Туганбековга 20 минг АҚШ долларини қайтариш, 50 минг АҚШ долларини эса З.Тўрабоевга қайтариш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари 2019 йил 13 июнда бюронинг Мирзо Улуғбек туман бўлими

**Раҳматилла АЗИМОВ,**  
Бош прокуратура ҳузурдаги Маъбурий ижро бюросининг бўлим катта инспектори

иш юртивуғига келиб тушиб, ижро иши кўзгатилган. Ижро ҳаракатлари давомида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддаси талабига асосан Бош прокуратурага талабнома юборилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 70 минг АҚШ доллари тегишли тартибда ундирувчиларнинг пластик ҳисоб рақамига ўтказилиб, уларнинг мурожаати қаноатлантирилди. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили қонун устуворлигидир. Шундай экан, суд қарорларининг ижро этилиши фуқаролар ва жамиятнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Одатда оилавий ажримлардан сўнг биринчи навбатда алимент масаласи ўртага чиқса, кейинчалик бунга мол-мулк можароси ҳам қўшилиши. Амалдаги қонунларимизга қўра эр-хотиннинг турмуши даврида орттирган мулкига ҳар икки томон ҳам бирдек ҳақли бўлади. Аммо кўпинча низолардан сўнг бир томон қуруқ қўл билан қолаётган ҳолатлар кузатишмоқда.

## МОЛ-МУЛК МОЖАРОСИ

Қарши шаҳрининг "Қарлик-боғот" МФИда яшаган Д.Тошев ва Н.Эшонқулованинг турмуши бузилгач, улар мол-мулкни бўлиб олиш юзасидан анча овора бўлишди. Чунки эр собиқ хотинига ҳеч вақо бермади. Муаммо охири судга бориб тақалди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2019 йил 19 мартдаги ижро варақасига асосан умумий мулк бўлган хонадон учун тўланган бошланғич тўлов 55 миллион 215 минг сўмнинг ярми, яъни 27 миллион 607 минг 500 сўми Д.Тошевдан Н.Эшонқуловага ундирилади-ган бўлди. Бироқ Эр бу пулни беришдан бош тортиди.

**Бобур ПАНЖИЕВ,**  
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Мазкур ижро ҳужжати МИБ-нинг Камаш туман бўлими иш юртивуғига келиб тушгач, ижро иши юртишини кўзгатиш тўғрисидаги қарор нусхалари тарафларга жўнатилди. Эр-хотин бу масалада ҳам муроса йўлини танламади. Д.Тошев суднинг талабини ихтиёрий равишда бажармагач, мажбурий ижро ҳаракатларига киришилди ва 27 миллион 607 минг 500 сўм маблағ даъвогарга мажбурий тартибда ундириб берилди.

## ҚАРЗДОРЛИК ЙЎЛИДАГИ «ҚУРБОНЛИК»

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ,**  
МИБ Чилонзор туман бўлими давлат ижрочиси

**Тошкент шаҳар Чилонзор туман ДСининг ижро варақасига асосан "Alfa montaj story" МЧЖнинг солиқдан қарзи 41 миллион 599 минг 505 сўм бўлиб, ушбу қарзни ундириш юзасидан МИБнинг Чилонзор туман бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилди.**

Биринчи навбатда қарздорнинг барча йўналишларига чеклов қўйилди. Шунингдек, жамиятга тегишли бўлган автотранспортга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Қидирув натижасида 2019 йилнинг 18 апрель кунини мазкур автотранспорт Пискент туманида эканлиги аниқланди ва ушбу ташкилотнинг солиқдан қарзи тўлиқ ундирилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2017 йил 2 мартдаги ижро варақасига асосан "Defferent Avto Invest" МЧЖдан "Ипак йўли банки"га 155 миллион сўмдан ошқ қарзни ундириш юзасидан қарздорнинг барча йўналишларига чеклов қўйилди.

Шунингдек, жамиятнинг автомашиналарига нисбатан қидирув эълон қилиниб, жорий йилнинг январь ойида автомашиналар топилиб ва қарздордан барча қарзлар ундириб олинди.

## ЯНА БИР ЗЎРАВОНЛИК

**Оилада эр-хотин аҳил бўлиб, фарзандлар ота-она бағрида яйраб ўсганига не етсин. Аммо турмуш бир текис давом этмайди, эру хотин, қайнона-келин муносабатларида зиддиятлар бўлиб туради. Бу каби келишмовчиликлар оқибатида оила бузилиб кетиши мумкин. Эр-хотин ажрашганда суд кўпинча отанинг гарданига алимент тўлаш мажбуриятини юклайди.**

**Шўхратжон ШЕРАЛИЕВ,**  
МИБ Риштон туман бўлими бошлиғи

бўлими давлат ижрочиси М.О. қарздор отанинг хонадонига боради. Табиийки, ижрочи унга мажбуриятини эслатиб, фарзандининг моддий таъминоти-га мўлжалланган маблағни ундиришга ҳаракат қилаётган эди. Давлат ижрочиси қарздор М.М. билан Учариқ маҳалласида учрашиб, алиментни тўлаши лозимлигини, акс ҳолда 15 суткага қамалиши мумкинлигини тушунтириб, қарзни ундириш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун ўзи билан бирга МИБ туман бўлимига бориши лозимлигини билдиради.

Бу ҳолат қарздорнинг ориятига тегиб кетди чамаси, давлат ижрочисига ўдағайлаб, ҳақорат қилиб, қаршилик кўрсатади. Билганининг қучига эрк бериб, давлат хизматчисини уриб, унга жароҳат етказди.

Мазкур ҳолат юзасидан зўравонга нисбатан 5 сентябрь кунини туман прокуратураси томонидан ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатирилган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

# ДОРИХОНАЛАР ЛИЦЕНЗИЯСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ, АГАР...

Сўнгги пайтларда жамоатчилики айрим фуқаролар, айникса, ёшларнинг кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилиши ташвишга солиб келаётган эди.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида"ги қарори бунга барҳам беришда, яъни дориларнинг ноқонуний айланиши ва суистеъмол қилинишига йўл қўймастик, кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солишни такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг соғлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорга кўра 2019 йил 1 декабрдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати киритилган алоҳида дорилар буюм-миқдор жиҳатидан ҳисобга олинади ҳамда уларнинг чакана савдоси фақат ижтимоий дорихоналар ва гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилишга лицензияси бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, шифокор рецепти бўйича бериладиган дорилар ва тиббий буюмлар, шу жумладан, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дориларнинг ноқонуний савдосига қатъий барҳам берилади. Бу жараёнда тегишлилик билан Ички ишлар вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақилга ҳабар берган ҳолда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ташкил этилади.

Эндиликда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази қошида ташкил этиладиган идоралараро эксперт гуруҳи тақлифлари асосида киритиб борилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дориларнинг нотийбий мақсадда истеъмол қилиниши устидан доимий мониторинг олиб боради ва



зарур ҳолларда эксперт гуруҳига таклиф киритиш чораларини кўради.

Бунда икки ой муддатда дорилар ва тиббий буюмларни реализация қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни такомиллаштиришга оид, шу жумладан, рецепт бўйича дори бериш тартибини бузганлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ оилавий поликлиникалари ва врачлик пунктлари ҳудудида жойлашган дорихона ва уларнинг филиалларидан ташқари барча дорихоналарда дорилар ва тиббий буюмларнинг реализациясини узлуксиз равишда ёзиб олиш ва бир ой давомида видеоёзувларни сақлаш тартиби жорий этилади. Бу механизм қатъий ишлаши учун янги тартиб дори ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишдаги лицензия талаби этиб белгиланди.

Агар дорихоналарда мазкур талаб мунтазам равишда (бир йил ичида икки ва ундан ортиқ марта) бузилса, бу ҳолат лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

Ўз мухбиримиз

JINOYAT VA JAZO

# АЭРОПОРТДА ЙЎҚОЛГАН СУМКА ТОПИЛДИМИ?

ни"ни қаердан ҳам билсин!..

У айна шу пайтда 2016 йил февралда Туркиянинг Истанбул шаҳрига келиб, бола боқувчиси бўлиб ишлаган, худди шу рейсда Тошкентга учган, аэропортда чегара назоратидан ўтаётган фарғоналик Робия Тўраева икита сумкасиндан биттаси йўқолгани тўғрисида аэропорт маъмуриятини хабардор қилганини, сумка ичидаги буюмлар рўйхатини тақдим этганини, ўша куннинг ўзидаёқ иш юзасидан суриштирув бошлаб юборилганини билмас эди...

Орадан бир ойдан зиёдрок вақт ўтди. Қутилмаганда 2019 йилнинг 10 июнь куни Салима Солиеванинг телефонига кўнгирок қилиб, ўғирланган сумкани олиб келиши ҳақида огоҳлантирган ички ишлар органи ходими унга "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқа-

ди" каби мақолларнинг нақадар ҳақиқатлигини яна бир бор исботлади.

Бу орада Робия Тўраева сумкаси топилишидан умидини ўза бошлаган эди. Аммо ўша кунни унга ҳам қўнғирок қилиб, нарсалари топилганини, Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизлиқни таъминлаш бошқармасига келиши кераклигини айтишди.

Гумондор Салима Солиева олиб келган сумка ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда ундаги анча нарсалар йўқлиги маълум бўлди. Албатта, орадан бир ой вақт ўтган, сумкадаги барча буюмларни топиб, жой-жойига қўйишнинг имкони йўқ. Аммо Робия Тўраеванинг аризаасида кўрсатилган 610 долларлик қийимлар, пардоз-андоз буюмларининг қиймати ва жабрланувчиға етказилган зарар Салима Солиева томонидан тўлиқ қоплаб берилди.

Шерзод ШОДМОНОВ,  
ИИБ Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизлиқни таъминлаш бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси

Салима Солиева терговда юклари боғжона назоратида белгиланган 45 кг дан ошиб кетгани сабабли учта сумкасини ўз номига, яна битта сумкасини ўзи билан бирга келадиган танишининг номига расмийлаштирганини, ўша сумкаси олиб келинган-келинмаганини билмагани учун жалхи чиқиб, тўртинчи сумкаси ўрнига бировнинг сумкасини атайин олиб кетганини айтди. Айбига икrorлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, Робия Тўраеванинг даъвоси йўқлиги, улар ярашгани тўғрисида жиноят иши ЖПКнинг 584-моддаси тартибидан тарафлар ярашгани муносабати билан ҳаракатдан тўхтаиш масаласини ҳал этиш учун Сергели туман судига юборилди.

Бошида оила тебратии ташвиши бўлмаса ҳам ўз юртдошининг – бир бева аёлнинг икки нафар қорақўзи таъминоти учун бегона юртда меҳнат қилиб топган пуллага олган буюмларни ўғирлаб, ҳеч иккиланмай ўз манфаати йўлида ишлатган бу аёлни ким дейиши мумкин? Ҳолбуки, мусофирчиликда яшаш машаққатини ўзи ҳам тогган-ку! Қайда бўлса ҳам у ўз номи билан аёл! Бу номга муносиб бўлиш масъулиятини асло унутмаслик керак.



**Баъзан ўғирлик жиноятини содир этганлар ҳақида эшитиб қоламиз. Уларнинг аксарияти эркаклар бўлади. Аёл кишининг, айникса, ўзбек аёлининг ўғирлик қилиши жуда кам кузатилади. Чунки ўзбек қизлари ёшлигидан сабртоқат, андиша ва ҳалоллик каби қадриятларимиз асосида тарбияланади. Аммо Андижоннинг Харабек кўчасидаги хонадонлардан бирида истикомат қилувчи 35 ёшли Салима Солиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу қадриятларимизга риоя қилмади.**

У 2018 йилнинг июнь ойида пул топиш мақсадида Туркиянинг Истанбул шаҳрига боради. Узининг айтишича, бир йил давомида тикувчилик цехида ишлайди. 2019 йилнинг 6 май куни Истанбул — Тошкент рейсида Тошкент халқро аэропортга келиб тушади ва белгиланган тартибда чегара назоратидан ўтиб, юкларини олиш учун махсус лента олдиға келади. Узининг юкларини ола туриб, шайтон васвасасига учади. Фикри ўзгариб, атрафга кўз югуртиради — уни ҳеч ким кузатмаётганига амин бўлгач, ўзига тегишли бўлмаган қора сумкани устомонлик билан олиб, аэропорт худудидан чиқади ва Андижонга йўл олади.

Салима уйига етиб келгач ўз сумкалари қатори бегона сумкани ҳам бемалол очиб, ундаги нарсаларнинг бир қисмини қариндошларига совға қилади, бир қисмини ўзи ишлатиб юборади. Тўғри-да, Тошкент аэропорти ходимлари йўқолган сумканинг Андижон томонларга "кейтиб қолга-

**Ўзбекистондаги аэропорт, вокзал ва сайёҳлар гавжум жойларда хорижий мамлакатлар фуқаролари учун махсус планшетлар ижараси йўлга қўйилди.**

**Келгуси сонда ▶**  
Бўйинига сиртмоқ солиб жонига қасд қилган аёлни бунгача қандоқ сиртмоқлар бўғиб келгани фақатгина ўзига аён эди. Лекин тергов жараёнида узоқ давом этган ҳўрлик, камситиш, жабру ситамлар ким томонидан амалга оширилгани ошкор бўлди.

**HUQUQ**  
YURIDIK GAZETA  
MUASSIS:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**  
BOSH MUHARRIR:  
**Jahongir MAKSUMOV**  
TAHRIR HAYATI:  
Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT  
MANZILI:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53, 233-64-85  
www.huquq.uz  
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
T — tijorat materiallari.  
Buyurtma v-3756.  
15 949 nusxada bosildi.  
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV  
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda  
Nashr ko'rsatkichi 231  
Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonamanzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 123456789  
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
9 772010 761004



# Ё УСЛУБИ, Ё МУРАББИЙНИ...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ  
ЖЧ-2022 САРАЛАШНИНГ  
ИККИНЧИ БОСҚИЧИНИ КУТИЛИМАНГ  
МАҒЛУБИЯТ БИЛАН БОШЛАДИ

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ҳаққоннинг ўрнида муҳлислар Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин термаси устидан осон галаба қозонишига ишонган эди. Шунингдек, мазкур босқичга қуръа ташланганида мутахассислар ҳам асосий рақибларимиз Саудия Арабистони, Яман ва Сингапур эканини айтиб, Фаластинни улар сафига қўшмаган эди. Бироқ...

Ўз мухбиримиз

2019 йил 7 сентябрь куни Жиззах вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, вилоят ва Зарбдор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида Зарбдор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш ва белбоғли кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. У Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги ҳамда 6 сентябрь — Кураш куни муносабати билан ўтказилди.

## ПОЛВОНЛАР ЖИЗЗАХДА ЖАМ БЎЛДИ



Мусобақани вилоят ҳокими Эргаш Солиев ва вилоят кураш федерацияси раиси, вилоят прокурори Исломжон Эргашқўжаев очиб бериб, барча иштирокчиларга омад тилашди.

Мусобақага бир қатор меҳмонлар ва спорт усталари ташриф буюриб, томошабинларга ўз билим ва маҳоратини намойиш этишди.

Курашдан иккита, белбоғли курашдан бешта вазн тоифасида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда қўшни Қозоғистондан жами 134 нафар полвон, ўндан зиёд фахрий полвон гиламда куч синашди.

Иштирокчилар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Абдурашид бобо Мирзаев, "Нотаниш полвон" фильмида суратга тушган Азамжон полвон Шокиржонов, Осиё ва жаҳон чемпиони Абдулла Тангриевнинг борлиги мусобақага кўтаринки руҳ бағишлади.

Кураш бўйича 60 кг. вазн тоифасида Араббой Мамасиддиқов (Жиззах), 66 кг. вазн тоифасида Руслан Бўриев (Жиззах) биринчи ўринни эгаллашди.

Белбоғли кураш бўйича эса 55 кг. вазн тоифасида Дониёр Уролов (Жиззах), 60 кг. вазн тоифасида Ойбек Султонов (Андижон), 81 кг. вазн тоифасида Хусниддин Рўзиёв (Жиззах), 90 кг. вазн тоифасида Рустам Унгаров (Наманган), +90 кг. вазн тоифасида Хислат Пирматов (Ташкент) голибликни қўлга киритишди.


Мусобақа голиблирига ташкilotчилар томонидан диплом, медал ва пул утуқлари (1-ўрин учун 3 000 000, 2-ўрин учун 2 000 000, 3-ўрин учун 1 000 000 сўмдан) топширилди.



## «Барселона» ёки «Реал»?

Испания чемпионатида энг кўп маош тўлайдиган жамоа — «Барселона». Бу ҳақда «AS» нашри хабар тарқатди.

Манбага кўра, каталонияликлар бир йилда ўз футболчиларига 671 миллион евро маош тўлайди. «Реал»нинг бу борадаги кўрсаткичи 30 миллион евро кам — 641 миллион евро. «Атлетико» тўлайдиган маош миқдори 348,5 миллион еврога тенг. Кейинги погонларни «Севилья» (185) ва «Валенсия» (171) клублари эгаллаб турибди. Бир йил аввал мазкур кўрсаткич бўйича «Барселона» ва «Реал» клублари ўртасидаги фарқ 66,5 миллион евро эди.



## МЕССИ УМРБОД «БАРСА»ДА ҚОЛАДИМИ?

«Барселона» раҳбарияти жамоа етакчиси Лионель Мессини ҳали узок вақт клубда олиб қолмоқчи. «Mundo Deportivo» тарқатган хабарга кўра, каталонияликлар 32 ёшли футболчиға умрбод шартнома таклиф қилишга тайёр.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги шартномаға биноан аргентиналик футболчи келаси йилнинг ёзида жамоани эркин агент сифатида тарқ этиш ҳуқуқиға эға. Тарафлар янги шартнома борасида ҳали музокара бошламаган. Аммо Мессининг отаси ва «Барса» президенти Хосеп Мария Бартомеу доимий равишда алоқада бўлиб турибди.

Месси жароҳат тўфайли ушбу мавсумда ҳали майдонға тушмади. У «Барселона» тарбияланувчиси ҳисобланади. Жамоанинг асосий таркибиде 17 ёшдан бери ўйнаб келади.

## ДЕ ХЕАГА ЯНГИ ШАРТНОМА

«Манчестер Юнайтед» дарвозабони Давид де Хеа яқин кунларда клуб билан шартномасини узайтиради. Бу ҳақда «The Guardian» хабар тарқатди.

Манбага кўра, янги шартномада испаниялик посбоннинг бир йиллик маоши 17 миллион евроға етади. Ҳозир Поль Погбанинг маоши тахминан шунча.

Де Хеанинг «Манчестер Юнайтед» билан ҳозирги шартномаси 2020 йилнинг ёзигача тўзилган. Манчестерликлар у билан шартномани ҳозир узайтиришмасе, келаси йилнинг ёзида уни бепул қўйиб юборишлариға тўғри келади.

28 ёшли де Хеа 2011 йилдан бери «МЮ» шарафини ҳимоя қилиб келмоқда. У манчестерликлар сафиде барча мусобақалар доирасида 366 та ўйинда майдонға тушиб, 377 та гол ўтказган.

## КУБА БИЛАН БОКС БЎЙИЧА ҲАМҚОРЛИК ҚИЛАМИЗ

Ҳозир Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати ўтказилапти. Шу муносабат билан Ўзбекистон бокс федерацияси раҳбарияти шу кунларда Екатеринбургда бўлиб турибди. Федерация раисининг биринчи ўринбосари Сакен Пўлатов Россияға сафари давомида жаҳонда ўз ўрниға эға бўлган Куба бокс федерациясининг президенти Алберто Пуиг де ла Барса билан учрашди.

Учрашувда тарафлар боксини янада ривожлантириш, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорлик қилиш бўйича музокара олиб боришди.

Куба бокс федерацияси президенти Ўзбекистон ва Куба бокс бўйича етакчи давлатлар эканини, бунини Рио олимпиадасида қўлга киритилган медаллар ҳам исботлаб турганини қайд этди. Томонлар бундан кейин мунтазам равишда қўшма ўқув-машғулот йиғинлари ўтказишға келишиб олишди. Хусусан, ноябрь ойида лицензион мусобақаларға муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида Кубада ҳар икки мамлакат терма жамоалари иштирокида қўшма ўқув-машғулот йиғини ташкил этилади. Кубалик спортчилар ҳам юртимизда йиғин ўтказишди. Алберто Пуиг де ла Барса учрашув давомида бунгача икки марта Ўзбекистонға боргани, халқимизнинг меҳмондўстлиги ҳақида илиқ фикрларини билдирди.

Сакен Пўлатов ҳам Куба боксига ҳурмат кучли эканини, рингда натижа қандай бўлишидан қатъи назар федерациялар дўст бўлиб қолиши ва бир-бирини доим қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирди. Қайд этиш лозимки, ушбу учрашув ҳар икки мамлакат бокси ривожини йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди